

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

497 Корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжалиги, ўқув юртининг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 431-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сонли «Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган Корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжалиги, ўқув юртининг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси тўғрисида низом (рўйхат рақами 431, 1998 йил 9 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 январдаги 4/Б-сонли «Корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги, ўқув юртининг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 431-1, 2009 йил 17 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 8-сон, 86-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 август,
32-Б-сон

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2015 йил 29 август

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2015 йил 29 август

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2015 йил 29 август

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2015 йил 29 август

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2015 йил 29 август